Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 7 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 58 (6755)

Даъват

Илм-маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

«Андижонмебель» акционерлик жамияти шаҳардаги 2-махсус интернатнинг 7 нафар тарбияланувчисига 20 минг сўмлик ҳисоб варақалари очди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 24 КУН ҚОЛДИ

1 сентябрдан 1-синф ўқувчилари янги ўзбек алифбосида ўқиш бошлайдилар. Янги алифбо китобларини олгандирсиз? Алифболар етарлими? Ҳар бир синф тажрибали муаллимлар билан таъминландими?

ТЕЗРОҚ ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ

Ҳар бир ишнинг йўли бор, ўн икки ботмон қўли бор, дейдилар донишмандлар. Демак, йўлини топган ютади. Давр шундай, ҳозир.

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази, республика ёшларининг биоэкосан ўқув-услубий мажмуаси ҳамда техника ижодиёти маркази мутасаддилари шундай тўхтамга келишган экан. Халқ таълими вазирлигининг кузги-қишки мавсумга ва янги ўқув йилига тайёргарлик штаби аъзолари юқоридаги хулоса исботини уз кўзлари билан кўриб қайтишди. Штаб раиси, халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновга бу гал ХТВ Капитал-қурилиш бошқармаси бошлиги Раҳимжон Акрамов, Молия бошқармаси бошлиги Шуҳрат Ғуломов, Мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиги Марат Шафиев, шу бошқарма бошлиги ўринбосари Тоира Султонова ва етакчи мутахассиси Шоира Нуриддинова, Қурилиш-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиги Аваз Имомов, Лойиҳалаш институти директори Худойқул Имомов, «Таълимтаъминот» бошқармаси бошлиги ўринбосари Анвар Алимуҳаммедов, республика Таълим стандартлари бўлими бошлиги Олег Калантаровлар ҳамроҳлик қилишди.

Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маскани шаҳар марказининг овлоқроқ гўшасида жойлашган экан. Катта бино қарийбки батамом марказ ихтиёрида. Даргоҳ раҳбарлари Акрам Асроров ва Юсуф Болтаев етовида кузатиш даставвал ҳовлидан бошланди. Афсуски, жимитдай ҳовли анчайин тўзиб турибди. Айтишларича, марказ биносида техника университетининг бир кафедраси ҳам жойлашган. Ҳовлини хунук қилиб турган матоҳлар ушаларники экан. Бинонинг ичкарисига кирамиз. Анчайин тартибли. Бироқ, ювиниш хоналари ҳамда бошқа хоналарда таъмирталаб жойлар бор. Шуниси диққатга сазоворки, марказ ўз ички имкониятларини ишга солиб, анча жойларни таъмирдан чиқарибди. Ҳисобида яна пича пули бор экан. Муртазо Султонов қурилиш-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиги Аваз Имомовга бу ердаги таъмирталаб ишларни битиришни юклади.

Республика ёшларнинг биоэкосан ўқув-услубий мажмуаси хўп кўркам кўринди кўзимизга. Иссиқнинг ҳовуридан толиққан кўзларимизга бу ердаги яшиллик анча дам берди. Ҳовли каттагина. Бирор қаричи бўш эмас. Тўгараклар жойлашган хоналарга бош суқамиз. Озода. Саришта. Даргоҳ директори Эшбой Турдиқуловнинг тиниб-тинчимаслиги шундоқ юзидан билиниб турибди. Булар ҳам уз кучлари билан бир пайтлар қурилган нақшинкор шифтли хоналарни шу пайттача эплаб-сеплаб келишяпти. Энди буёгига каттароқ куч зарур. Баъзи хоналарни тубдан таъмирдан чиқармоқ лозим. Иссиқхонага пленка зарур. Ушбу муаммоларни тезликда ҳал этиш учун тегишли ташкилот мутасаддиларига кўрсатмалар берилди.

Республика ёш техниклар маркази шаҳарнинг бир чеккасида, яна бунинг устига айланма тор кўчалар эл-тувчи жойда ўрнашган экан. Рости, бу каби масканлар марказда ёки унга яқинроқ жойлашгани маъқул, назаримизда. Чеккада жойлашган экан, аҳволи ҳам ҳаминқадар бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Шукрки, ўйловимиз илк таассуротданоқ учди-кетди. Жуда файзли гўша экан. Хоналар ҳаммаси таъмирдан чиқарилибди. Баъзиларига оёқ босишнинг иложи бўлмади. Бўёқ ҳали қуриб улгурмаган экан. Тўгарак журналларининг барчаси олинган. Умуман, штаб аъзоларининг хуш кайфиятига боис бўлди, бу маскан. Директор Толиб Қорабоев ҳам шу соҳада суяги қотганлардан экан. Шунданми, ишлар ҳаммаси бадастир.

Қисқаси муассасаларимиз раҳбарлари хулоса чиқаришга шошилганлари маъқул. Янги ўқув йили яқин, байрам яқин, вақт эса кутиб турмайди.

Асқар ШОКИР.



Яккасарой туманида 1176 ўқувчига мўлжалланган 3 қаватли мактаб биноси қурилиши жадаллик билан олиб борилаётир. Уни 159-трест қурувчилари бунёд этишяпти. Шу йилнинг 4 чорагида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган мазкур маскан барча қулайликлар (ошхона, ёпиқ сузиш ҳавзаси, теннис корти) га эга бўлади.

СУРАТЛАРДА: 1. Мактаб биносининг умумий кўриниши. 2. Бригада бошлиғи Ғафур Исмоилов ҳар доим белгиланган юмушларнинг сифатли бўлишига эришади.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

**** 1992 йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилди. Бу билан мустақил Ўзбекистон таълими ривожининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.***

**** Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими ходимларига имтиёзлар ҳақидаги фармонини амалга ошира бориб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида 97968 нафар ўқитувчи, тарбиячиларга давлат уйлари хусусийлаштириб берилди.***

**** 21946 нафар халқ таълими ходимига ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштирилди.***

**** 35841 нафар ходимга эса шахсий уй қурилиши учун ер майдони ажратилди.***

Бизнес мактабларида

ҚИШЛОҚҚА ТАДБИРКОРЛАР КЕРАК

Саксонинчи йилларнинг бошларида республикамизда ҳунар-техника билим юртлари ниҳоятда кўпайиб кетди. Бу, бир жиҳатдан тўғрига ўхшаб кўринди. Негаки, халқ хўжалигини ривожлантириш учун кўплаб малакали мутахассис қадрлар керак. Бироқ: «Қандай? Қаерга? Қанча?» деган саволларнинг жавоби ҳеч кимни қизиқтирмади.

Нарпай туманининг Мирбозор қишлоғидаги ўрта ҳунар-техника билим юрти ҳам бундан ўн олти йил бурун ташкил этилган эди. Билим юрти қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрлаб беришга ихтисослаштирилгани айни муддао эди. Аммо натижа кўнгилдагидек бўлмади. Ҳеч ким юқоридаги саволларга жавоб топиш учун бош қотирмади. Бу ерда умид билан ўқиб, икки-уч йил ўқиш давомида давлат таъминотида бўлган ёшларнинг кейинги тақдири билан ҳеч ким қизиқмади. Оқибатда билим юртини битирганларнинг кўпчилиги ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланмадилар.

Республикамизнинг мустақил бўлиши Шўролар даврида ана шундай ўзибўларчиликка ҳам чек қўйди. Айниқса, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларининг фаолиятини ўзгартириш тўғрисида»ги қароридан сўнг барча ҳунар билим юртларининг фаолияти қайтадан кўриб чиқилди. Уларда ўрганиладиган касбларга юқоридан бериладиган кўрсатмага қараб эмас, балки ўша жойнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда, аниқроғи, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва

(Давоми 2-бетда)

Тест-96

НАВБАТ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМ АБИТУРИЕНТЛАРИГА

Талабаликка тест усулида қабул қилишнинг афзалликларини ҳаёт тасдиқламоқда, чунки билими зўрлар ўтадиган замон келганини ота-оналар ўз кўзлари билан кўриб туришибди.

Биз яқинда Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юртида бўлиб, 1996-1997 ўқув йили учун талабаликка қабул қилиниш ишлари билан қизиқдик. Қабул комиссиясининг масъул котиби Камолитдин Юсупов бизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

— Кундузги ўқиш бўлимимизда бошланғич синф муаллими, меҳнат таълими ўқитувчиси, тасвирий санъат, мактабгача тарбия бўйича мутахассислар тайёрланади. Режага кўра 200 киши қабул қилишимиз керак. Бу йилда бўлимларга жами 498 та ариза тушди. Сиртқи бўлимимиз ҳам бор. Унда меҳнат таълими ва мактабгача тарбия бўйича кадрлар тайёрланади. Бу йил сиртқи бўлимга 160 киши қабул қилиниши лозим бўлса, бу ўринларга 419 та ариза топширилган.

Кундузги бўлимга ҳам, сиртқи бўлимга ҳам 10 августда бўладиган тест усулидаги қабул имтиҳонлари орқали талабалар қабул қилинади. Билимдонликгина адолат тарозусининг тоши эканлигини тест синовлари тасдиқлаши шубҳасиздир.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси масаласи муҳокама этилди.

⊛ Тошкентда «Темурийлар тарихи — бизнинг буюк меросимиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Унда темурийлар даврини ўрганаётган олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хотин-қизлар ташкилотларининг, республикамиздаги бошқа ижтимоий ва илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Президентимиз И. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

⊛ Россия Бош вазири В. Черномирдин Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини шакллантириш бўйича Давлат думасидаги парламент фракциялари раҳбарлари билан учрашувни давом эттирмоқда. Янги маҳкама аъзолигига номзодлар ҳозирча сир тутилмоқда.

⊛ Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий БМТга мурожаат қилиб АҚШнинг Эронга қарши уюштираётган компаниясини тўхтатишни талаб қилмоқда. АҚШ мудофаа вазири У. Пэрри эса ўз мамлакати томонидан бу мамлакатга қарши ҳеч қандай ҳаракатлар уюштирилаётганлиги йўқлигини айтмоқда.

⊛ Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари бомбардимон қилинган куннинг 51 йиллиги арафасида Токиода «Ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланишини тезлаштириш» шиори остида халқаро конференция бошланди.

ХАЙР, АТЛАНТА, САЛОМ, СИДНЕЙ!

Мана, ниҳоят Атлантадаги XXVI ёзги Олимпиада ўйинлари ҳам ўз якунини топди. Ўзбекистондан у ерга ташриф буюрган 76 нафар вакилларимиз ҳам катта майдонда бемалол профессионал ўйинлар кўрсата олишлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Спортчиларимиздан А. Багдасаров ҳамда К. Тўлагановлар олимпиаданинг кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганлари эса, ҳамиша ёдимизда қоладиган бўлди. Албатта, енгил атлетика, оғир атлетика, эшкак эшиш, велоспорт бўйича ўтган мусобақаларда ҳам вакилларимиз жонжаҳдлари билан кураш олиб боришди.

Мазкур Олимпиада бизга илк синов бўлди. Энди бутун умидимиз Австрияда бўлиб ўтадиган навбатдаги Сидней Олимпия ўйинларидан. Ишонамизки, бу ўйинларда, албатта Ўзбекистон олдинги ўринларга ўтиб олади.

Расмий бўлим

ДИҚҚАТ, ОЛИМПИАДА!

Умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар олимпиадаси энг истеъдодли ва қобилиятлиларни аниқлабгина қолмай, айни пайтда таълим олаётган барча ўғил-қизларни фанлардан чуқур билим олишга қизиқишини оширишнинг муҳим омилларидан бўлмоқда. Ана шуни эътиборга олиб Халқ таълими вазирлиги «1996—1997 ўқув йилида Узбекистон мактаблари ва ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасини ўтказиш ҳақида» буйруқ қабул қилди. Ундан кўзда тутилган мақсад, биринчидан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Республика олимпиадаси, конкурс ва спорт мусобақалари ўтказиш тўғрисида»ги 157-сонли қарорини бажариш, иккинчидан, олимпиадаларни юқори ташкилий савияда ўтказиш ва уларни такомиллаштириш, учинчидан, билимларни тарғибот қилиш ҳамда ўрганилаётган фанларга ўқувчилар қизиқишини кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур буйруққа кўра, республика олимпиадаси ҳақидаги Низом тасдиқланди (Низом газетамизда эълон қилинмоқда).

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси мактаблар, махсус мактаб-интернат, лицей, гимназия ва айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактаб ўқувчилари ўртасида тўрт босқичда ўтказилади. Ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчилари олимпиаданинг III—IV босқичларида мактаб ўқувчилари билан бирга иштирок этадилар. Олимпиада босқичлари қуйидаги муддатларда:

—биринчи босқич—мактаблар, ҳунар билим юртларида 1996 йилнинг ноябрь ойида;

—иккинчи босқич—туман (шаҳар)лар миқёсида 1996 йилнинг декабрь ойида;

—учинчи босқич—вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри миқёсида 1997 йилнинг январь ойида;

—тўртинчи босқич—фақат 11-синф ўқувчилари учун республика миқёсида Тошкент шаҳрида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика Тест марказида, чизмачилик ва кўзи ожизлар мактабларида, она тили ва математика фанлари республика Таълим марказида ўтказилади.

Олимпиаданинг ноябрь, январь, март ойларига белгиланган босқичлари ўқувчиларнинг таътил кунларида бўлиб ўтади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари зиммасига олимпиадаларнинг барча босқичларини Низом асосида юқори савияда ўтказиш, 1996 йилнинг 20 сентябригача фанлар бўйича олимпиадаларни ўтказувчи вилоят, туман (шаҳар) ташкилий қўмиталарини тузиш ва олимпиадани ўтказиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш, II—III босқич тест-синов топшириқлари ва амалий вазифаларни муқобил равишда жойлардаги ижодий гуруҳлар томонидан тузилишини таъминлаш, умумтаълим фанларидан республика олимпиадасида иштирок этувчи ўқувчиларнинг ҳужжатларини 1997 йил 20 февралгача РТМга топшириш вазифалари юкланди.

Буйруққа кўра, республика Таълим маркази ҳамда вазирликнинг умумий ўрта таълим бош бошқармаси олимпиадани юқори савияда ўтказиш учун 1996 йилнинг 1 октябригача методик тавсияномалар ва барча фанлар бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб вилоятларга етказиш, республика Давлат Тест маркази билан олимпиадани IV босқичда ўтказиш юзасидан шартнома тузиш ҳамда ҳамкорликда тест-синов топшириқларини тайёрлаш ва махфий сақлаш, ҳакамлар ҳайъати таркибини тузиш ва ҳайъат йиғилишига тасдиқ учун тавсия этиш каби тадбирларни амалга оширадилар. Шунингдек, буйруқда олимпиадага тааллуқли сарф-харажатлар, расмий ҳужжатлар, голибларни ҳамда ташкилотчиларни мукофотлаш ва рағбатлантириш вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Шунга эришиш керакки, фанлар бўйича ўқувчилар олимпиадасининг ҳар бир босқичи билим масканларида таълим олаётган ўғил-қизларнинг билимдонлиги, иқтидори ва истеъдодини намойиш этишга имкон берадиган байрамга айлансин, унинг иштирокчиларида фанларга ихлосни, илм олишга шарт-шароит яратиб бераётган мустақил Ўзбекистон раҳбариятига, элга меҳр-муҳаббат ҳамда садоқатини оширсин. Ўқувчи ўғил-қизлар ўзларини келажаги буюк мамлакат қутаётганлигини, шу порлоқ истиқболга пухта ҳозирлик кўриш—ўқиш, билим олиш, касб эгаллаш шарафли бурч ва жамият олдидаги муқаддас вазифа эканлигини қалбдан тўла ҳис қилсинлар.

Низом 2—3-бетларда.

Долзарб мавзу

«МАКТАБ БОЗОРИ»ГА МАРҲАМАТ!

Янги ўқув йили тобора яқинлашмоқда. Ўқувчилар ҳамда ота-оналар оллида ўқув қуроллари, саноат молларини қаердан харид қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Утган йили бу борада Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Узбексавдо» давлат ҳиссадорлик уюшмаси ва «Узбекбирлашув» бошқарувининг ҳамкорликдаги буйруғи чиққанди. У ҳамон ўз кучида. Ана шу муносабат билан мухбиримиз «Тошкентсавдо» улгуржи-чакана ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, унинг раиси Мирфозил МИРАЮБОВдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Пойтахтимизнинг аҳоли зич яшайдиган жойларида мактаб бозорлари ташкил этилади. Мактаб бозорлари жорий йилнинг 10 августидан бошланиб, 10 сентябрга қадар давом этади. Бу савдо расталаридан ўқувчилар учун зарур бўлган ёзув-чизув ашёлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар сотиб олиш мумкин. Ўқувчилар дафтари, умумий ва кундалик дафтарлар, қора ва рангли қаламлар, бўёқлар, ша-

(Давоми 2-бетда)

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШИ

Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашга доир масалаларни ўз вақтида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор бераётирлар. Ҳозирги кунда туман ҳудудида 21 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, улардаги ўқувчилар сони 11023 нафарни ташкил этади. Бу йил мазкур туманда янги ўқув дастурлари асосида дарс ўтиш учун фанлар бўйича 92 нафар ўқитувчи вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида қайта тайёргарликдан ўтдилар.

ПЕДАГОГЛАР ЯРАТГАН БОҒ

Усмон Юсупов туманидаги Норча Нуриддинов номидаги мактаб жамоаси мустақиллигимизнинг беш йиллиги нишонланадиган санада бир гектар майдонда мўъжазгина боғ барпо этишди. Шу кунларда боғда 20 турдаги хилма-хил мевали дарахтлар парвариш қилинмоқда. Бу хил савобли ишларга мактабнинг бир қатор жонкуяр мураббийлари фаоллик кўрсатишяпти.

«ҚИЗИЛТЕПА» ЁДГОРЛИГИ

Қизилтепа туманидаги Ҳамид Олимжон номли мактаб касб таълими ўқитувчиси Тошпўлат Шаропов Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига совға тайёрлади.

Халқ миллий ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган тадбиркор муаллимнинг «Қизилтепа» деб номланган барельеф (бўртма нақш) нусхаси туман ҳокимлиги халқ таълими бўлими томонидан ижобий баҳоланди.

Ванғози минораси ҳамда урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ишланган бу ёдгорлик мазкур туманнинг рамзий тамғаси сифатида хўжаликлар, корхоналар ва мактабларга тарқатилди.

МУАЛЛИФЛАР: А. ИМОМОВ, Ф. ЭШҚУЛОВ, Б. ЭГАМОВ.

ҚИШЛОҚҚА ТАДБИРКОРЛАР КЕРАК

(Боши 1-бетда).

хўжаликлар билан кадрлар етказиб бериш бўйича тузилган шартнома асосида ўқувчилар қабул қилинадиган бўлди.

Билим юрти бизнес мактабига айлантирилганида айрим кишилар «бу ерда энди савдо ходимлари тайёрланар экан-да», дея ажабланишди ҳам. Негаки, айни пайтда кўпчиликнинг савдо ходими ниқоби остида инсоф ва диёнатни четга суриб, бирга иккини қўшиб, шахсий бойлик орттираётган олиб-сотарлардан кўнгли совиган. Билим юртининг йўналиши эса бутунлай бошқача. Унинг асосий мақсади қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, саноатни қишлоққа кўчириш, қишлоқда кичик корхоналар, савдо-ишлаб чиқариш фирмалари ташкил этиш учун малакали мутахассислар зарур. Ана шу мақсадда бу ерда фермер-ижрочи, ҳисобчи-сотувчи, хазиначи, кичик корхоналар ҳисобчилари тайёрлаш гуруҳлари ташкил этилди. Шунингдек, ёшлар дурадгорлик, бўёқчилик электргаз пайвандчилик, тракторчилик, тикувчилик касбларини ҳам ўрганмоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айни пайтда бизнес мактабида таҳсил кураётган йигит-қизларнинг ўз мутахассисликлари бўйича тўлиқ иш билан таъминланиши кафолатланган. Яъни уларнинг барчаси туман корхона, ташкилот ва хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида ўқишга қабул қилинган.

Биз ўтган ойда билим масканида бўлиб, бизнес мактаби директори, Республика ҳунар-техника таълими аълочиси Зиёдулла Узоқов билан ўқув-тажриба хоналарини кўздан кечирдик. Катта хоналарнинг бирига компьютерлар ва касса аппаратлари ўрнатилган. Бу ерда кичик корхоналар учун ҳисобчилар тайёрлаш гуруҳи машғулот ўтказаётган экан.

— Ҳозирча ёшларга бу замонавий машиналар воситасида дарс ўтадиган мутахассис кадрларимиз кам, — дейди Зиёдулла ака, — шу туфайли ўқув даргоҳимизга туман солиқ инспецияси молия бўлими ходимларини жалб этганмиз. Келгуси ўқув йилидан бошлаб ўз мутахассис кадрларимизга эга бўламиз. Шу мақсадда билим юртимиз мураббийларини ўз хоҳиш ва имкониятларига қараб республикамиз олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган малака ошириш курсларига юбораяпмиз. Масалан, ўқитувчи Суннат Рўзиқулов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошида очилган курсда ўқиб, бозор иқтисоди талаблари буйича малака ошириб қайтди. Менинг ўзим ўқув-ишлаб чиқариш буйича муовиним билан бирга жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университетида малакамизни оширдик. Янги ўқув йилидан бошлаб яна бир гуруҳ мураббийларимиз турли мутахассисликлар буйича малакаларини оширадилар. Йил давомида барча ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари аттестация синовидан ўтдилар.

Ишлаб чиқариш таълими усталари Ибодат Қодирова ва Сабоҳат Даминовалар раҳбарлик қилишаётган тикувчилик гуруҳининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Улар келгусида малакали тикувчи-бичувчи бўлиб етишиб, қишлоқлардаги кичик корхоналар ривожига муносиб ҳисса қўшадилар. Гуруҳ талабалари айни пайтданоқ буюрма асосида ётоқхоналар учун чойшаблар, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва бошқа жиҳозларни тикиб беришаётир. Шу йил билан улар аҳолига ойига 15-20 минг сўмлик хизмат кўрсатишаётир.

Бизнес мактабининг истиқбол режалари катта. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда кичик корхоналар учун менежер ва референтлар тайёрлаш гуруҳлари очилади.

Мирбозордан ўтмишда Буюк Ипак йўли ўтган. Ундан жаҳондаги энг йирик бозорлардан бири ўрин олган. Шу туфайли бу қишлоқда, айниқса, миллий ҳунармандчилик ривожланган. Қишлоқ кулолчилик билан машҳур бўлган. Ана шулар эътиборга олиниб, бизнес мактабида миллий ҳунармандчилик буйича бир қатор гуруҳлар очиш, жумладан, кулолчилик гуруҳини ташкил этиш мўлжалланмоқда...

Қишлоққа тадбиркорлар керак. Айниқса, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишда ана шундай бизнес мактабларининг ҳам ўз ўрни бўлиши, шубҳасиз.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.

Янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

МАРКАЗДА КУРС

Аниқ манбаларнинг далолат беришича, она заминимиздаги ёзувлар тарихи уч мингча йилни ўз ичига қамраб олади. Кенг истеъмолда бўлган ёзувлар эса суғдий, хоразмий, дулбаржин, араб, лотин ва кирилл ёзувларидир. Ана шу ёзувларда халқимизнинг қадимий бой тарихи, маданияти ва санъати дурдоналри ўз ифодасини топиб келган.

Ҳар бир ёзув ўз даврига нисбатан тарихий аҳамиятга эга. Масалан, ҳамсанавис аждодларимиз бўлган Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар форс, араб туркий тилларни мукаммал билганлар. Бундай ажойиб инсонлар яқин ўтмишда ва ҳозирда ҳам яшаб ўтяптилар. Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Улуғ Турсунов, Абдулла Қодирий, Виктор Решетов, Абдулҳамид Пуладий, Алибек Рустамов, Жўрабой Аҳмаджонов кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг деярли барчаси бир неча тилда сўзлаша олганлар.

Масалан, бизга талабалик йилларимизда улуғ домламиз ўзларининг мароқли маърузаларида араб, лотин, кирилл ёзувларидаги сўзларни чиройли ёзиб, лол қолдирар эдилар. Ҳалигача устозимизнинг ҳуснихатларини эслаб ва қўллаб юрамиз.

Аслини олганда, кўп тил ва кўп ёзувни билувчилар Абулқосим Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, ибн Сино, Ал. Хоразмий, Исмоил Бухорий сингари олам-га донг таратган илм-фан арбобларининг юксак савияси уларнинг асарларида ҳам ўз аксини топганлигини эслаши савобдир. Уларнинг ибратли ишлари аждодларига юксак даражада намуна бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Машҳур «Шоҳнома»даги бир қаҳрамоннинг ўттиз ёзувни билганлиги жўшқин мисраларда қуйидагича ҳикоя қилиб берилади:

Биргина хат эмас, ўттиз ёзувни,
Арабий ва румий, форсий ўқувин.
Суғдию синию паҳлавийни ҳам,
Шоҳ ёзиб ўқирди барчасин илдам.

Демак, тил ва ёзувларни кўп билиш ҳам зўр истеъдод намунаси ҳисобланади. Тил, она тили доимий ва муқаддас бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб бораверади. Ёзувлар эса ўзгариб туриши мумкин. Масалан, сўнгги 70 йилга яқин вақт ичида ёзув тўрт марта ўзгарди: араб ёзуви (1929 йилгача), лотин ёзуви (1939-1940), кирилл ёзуви (1940-2000) ва яна лотин ёзуви (1995 йилдан).

Гарчанд лотин ёзувида ўқишни расмий равишда бошлаш биринчи синфлар ва мактабгача тарбия муассасаларида 1996 йилдан бошланса ҳам, уни ўзлаштириб олишга оммавий равишда киришиб кетилди. «Узбек тилини ўрганиш ва таржимонлик Самарқанд шаҳар маркази» ҳам бу хайрли ишга қўл уриб, 14 соатлик ҳажмда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш курсини ташкил этди. Курсда тилчи-ўқитувчиларнинг бир гуруҳи қайта тайёрлаб чиқарилди. Энди улар лотин ёзувидаги машғулотларни ўтказиш ҳуқуқига тула эгадирлар. Бу ҳақда уларга гувоҳномалар берилди. Ушбу курснинг иккинчи давраси учун ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. Унда малакали мутахассислар сабоқ беришяпти. Курсимиз узлуксиз давом этади. Шаҳримиздаги тил мутахассисларини курсимизда сабоқ олишга таклиф этамиз.

Мушғулотлар «Лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбоси юзасидан иш режаси ва дастури» асосида олиб борилаётир. Бу тавсия-қўлланма босмадан чиқиш арафасида турибди. Дастур профессор Меликўл Нушаровнинг умумий таҳририда катта ўқитувчи Мардон Болтаев билан ҳамкорликда яратилган.

Биз курсдаги машғулотларни алифбо тартибини бироз ўзгартириб, аввал унлилар, сўнгра ундошларнинг ёзма ва босма шаклларида олиб ўргатишни тажрибадан ўтказяпмиз. Унлиларнинг таъриф-тавсиф ҳусусиятлари амалда мавжуд бўлган имло қоидаларидаги сингаридир. Шу сабабли ушбу уринда қўшимча мулоҳаза юритилмайди. Шунинг учун ўргатилаётган ҳарфлар кўпроқ иштирок этган сўзлар танлаб олинган. Сўзларнинг кирилл ёзувидаги шаклларидан ҳам берилган. Ҳарфларни ва сўзларни, маълум даражада, узлаштириб олгач, қисқа-қисқа гаплар тузиш йўли билан ҳарфларни ўрганишга ўтиб борамиз. Шундай қилинганда, бу ёзувни ўрганиш осон кечади.

Назар РАЖАБОВ.

Рисолат Исмоилова 32 йилдан бери инглиз тилидан ёшларга сабоқ бериб келаяпти. Айни кунда эса унинг фаолияти Халқаро Тиллар институти билан чамбарчас боғлиқдир.

Рисолат опанинг 5 нафар фарзанди бор. Кенжаси Дилшод 59-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Қолган 4 нафар қизларига эса Рисолат опа хўжалик юритиш, овқат тайёрлаш, турли пишириқлар тайёрлаш, умуман аёл учун ҳаётда энг керакли сифатларни ўргатгани-ўргатган.

СУРАТДА: Рисолат опа қизлари Назокат, Гулчеҳра, Ҳулкарлар билан биргаликда тайёрлаган мазали пирожнийни татиб кўрмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ КЕЧИКСА БОРМИ...»

Миробод туманига қарашли 507-болалар боғчасидаги қайси бир кичкинтойни тўхтатиб сўраманг, албатта, «Мен инглизча сўзлашишни биламан» деган жавобни эшитасиз.

«— Ҳозирча инглиз тили дарсларини 4 та гуруҳда жорий этдик, — дея сўз юритди биз билан суҳбатда боғча мудираси Муқаддасхон Содиқова. — Йил бошида биз инглиз тили муаллимамиз Зайнабхон Ғозиевани маҳалла фаолларининг ёрдамлари билан ишга таклиф эттандик. Натижалар ёмон эмас. Болажонларимиз инглиз тилида ҳатто кичик саҳна асарларини ҳам бемалол, иштиёқ билан ижро эта олиш даражасига чиқиб олишди. Ўқитувчи бирор кун сал кечикиб қолса борми, зир югуриб излашга тушиб кетишади, денг...»

Умуман айтганда, боғчадаги бошқа йўналишлар билан бир қаторда айнан таълим соҳасида амал қилинаётган ишлар бундан-да кўпроқ мақтовга ҳам лойиқ бўлса керак. Негаки, қузатиб турсангиз, бу мактабгача тарбия муассасасида биронта ҳам «бекорчи» ходимни учратмайсиз. Айниқса, услубчи Заҳро Мирзаахмедова, катта гуруҳ тарбиячиси Шаҳноза Иноғомовалар боғча раҳбариятини ҳам, тарбияланувчиларини ҳам сира тинч қўйишмайди. Маслаҳат сўрашади, турли таклифлар билан чиқишади, гоҳ муаллиманинг ёнига кириб, болаларга имкони борича осонроқ йўл билан тил ўргатишнинг турли усулларини биргаликда қидириб кўришади. Ният қилардимки, мазкур боғчада тарбия топган авлод ҳам бошқа тенгдошлари қатори келажакда ҳақиқий илм, истеъдоднинг энг юқори чўққиларини забт этишса, дунёни кўришса, ажаб эмас.

Мухбиримиз.

«МАКТАБ БОЗОРИ»ГА МАРҲАМАТ!

(Боши 1-бетда).

рикли ручкалар, ўчирғич, чизғич, ҳисоблаш таёқчалари, пластилин, дафтар ва китоблар учун муқовалар, клей, стержин, пламастер, портфел, пенал, қиз болалар мактаб формаси, ўғил болалар кўйлаги ва шим, спортга оид кийим-кечак ва пойабзаллар шулар жумласидандир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 июлдаги кўрсатмасига мувофиқ тасдиқланган мактаб формалари ҳам савдога чиқарилади. Мактаб бозорлари зарур моллар билан узлуксиз тўлдириб турилади ҳамда унинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилади.

«Болалар дунёси», «Чилонзор савдо маркази», «Саодат», «Шуҳрат», «Ирода», «Юнусобод-саҳоват», «Сирғали», «Ҳамза», «Улуғбек», «Бектемир савдо» жамоа корхоналари ҳамда Тошкент «Марказий универмаги», «Чорсу» бош универмагининг маъмуриятлари мактаб бозорларига бевосита бириктирилгандир.

Пойтахтимиздаги «Дунё» (Мирзо Улуғбек тумани), «Болалар дунёси» (Шайхонтоҳур тумани), «Шаҳодат» (Юнусобод тумани), «Солих» (Ҳамза тумани), «Бобур» (Бектемир тумани) жамоа корхоналари сингари 41 та савдо шохобчаси ўқувчилар хизматида бўлади. Шунингдек, савдо расталаридан хорижий давлатлардан келтирилган ўқувчилар портфели, пенал, готовальний, ручка сингари ўқув ашёлари ҳам ўрин олади.

Д. ХЎЖАЕВА суҳбатлашди.

Август кенгашларига

УСТОЗ ОБРЎСИ

Инсон гўзал фазилатлари билан эъзозлидир. Гўзал фазилатли инсонларни вояга етказиш учун ўқитувчилардан маҳорат, масъулият ҳамда чуқур билим талаб этилади. Ўқитувчи мактабда ёш авлодга билим тарбия беради ва уларни ҳаётга тайёрланишига кўмаклашади. Қўйингки, замонамизнинг ҳар бир фуқароси ва не-не азиз одамлари ҳам устозидан таълим олган. Ҳаттоки, жаҳонгир бобомиз Темур ҳам, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳам устозини эъзоз қилганлар. Демак, шогирдлар қалбидан муносиб ўрин олмоқ ва яхши обрўга эга бўлмоқ ҳар бир устознинг ўз қўлидадир.

Иззат-икромга лойиқ бўламан деган зиёкор фақат дарслик билан чекланмасдан тинимсиз ўқиши ва изланиши даркор. Устоз деган шарафли ва улуғ номга муносиб бўлиш учун, аввало, у ўз вазифасига ҳалол ва адолатли ёндошиши, ғоявий юксак савияга эга бўлиши, ўзининг ахлоқий сифатлари ва билимдонлиги билан ўқувчиларга таъсир эта билиши лозим. Ўқитишнинг метод ва усулларини намунали эгаллаган ўқитувчи таълим-тарбия ишида, шубҳасиз, муваффақиятларга эришиши табиий. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Керак бўлса тунни тонгга улаб, доимий изланиб ва машаққат чекиб, муаммоли саволларга жавоб топиб ўрганиши натижасида у мукаммал муаллим даражасига эришади.

Сир эмаски, орамизда дарсга яхши тайёргарлик кўрмай, вақтни зое кетказадиган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас. Пухта тайёргарлик кўрилмай кирилган дарсларда интизом ҳам яхши бўлмайди. Ўқитувчи дарсликдаги билимни ҳам беришда қийналади. Натижада ўқувчиларда фанга қизиқиш, фикрлаш ва изланиш кучаймайди. Дарс давомида ўқувчилар зерикиб, гаплашиб ўтирадилар, ўқитувчи эса вақтни қандай ўтказишни билмайди. Натижада устознинг обрўси тушиб бораверади...

Энди икки оғиз гап шогирдлар ҳақида. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир инсон ўқитувчининг билими ва одобга оид ибратомуз сўзларидан баҳраманд бўлган. Ҳеч шубҳа йўқки, устоз билими ва ибратли одоби билан эл ҳурматига лойиқ бўлиб, юқори мансабу мартабага эришган шогирдлари билан бахтлидир. Ҳаётда ўз ўрнини топган шогирдлари билан кўчада, маъракаларда, мактабда учрашиб қолиб, ҳол-аҳвол сўрашганида устознинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Устоз учун шогирднинг салом-алигию, икки оғиз ширин муомаласи керак, холос.

Очиғи, кечагина устозидан таълим-тарбия олиб кетган собиқ ўқувчилар орасида яхшигина мансабу мартабага эришиб, чўнтакларида бир оз пуллари кўпайиб босар-тусарини билмай, ҳатто саломаликни ҳам унутиб юбораётганлар йўқ эмас. Лоақал, устозларини кўрганда пешвоз чиқиб саломини бериб, ҳол-аҳвол сўрашолмаган шогирд ҳақида нима ҳам дейиш мумкин.

Шу ўринда баъзи бир кибру ҳавога берилган шогирдларга таниқли ўқитувчи Раҳимжон Усмоновнинг «Устоз» деб номланган шеъридан ушбу мисраларни келтириб, устоз қадрини баҳоят улуғлаб айтган дил сўзларини эслатиб ўтиш кифоядир.

Азиз дўстим, ҳурматда бўл устозингдан ўзганда ҳам,
Илминг ошиб, иқбол кулиб ҳарчанд сенга боққанда ҳам.
Бўлма мағрур унвонга сен, «Алломасиз» десалар ҳам,
Камтар бўлди алломалар минг қоядан ошганда ҳам.
Дур-гавҳардан ортиқ эрур оқил шогирд устоз учун,
Устозингнинг қадрини бил, бошинг кўкка етганда ҳам...

Хулоса шуки, ўқитувчиларнинг август кенгашларида устоз қадри, муаллим обрўси, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги меҳр ришталари, садоқат ва ростгўйлик, кибру манманлик мавзулари атрофлича муҳокама этилса, илғор муаллимларнинг мактабдан ташқари таълим-тарбия борасидаги ишлари, тажрибаси ҳақида сўз юритилса, нур устига нур бўлур эди.

Собиржон БОБОМЕТОВ, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 1-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБ ВА ҲУНАР БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИ ҲАҚИДА НИЗОМ

Республика умумтаълим мактаблари ва ҲБЮ ўқувчиларининг республика олимпиадаси ҳар йили Узбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда мазкур Низом ва Узбекистон Республикаси ХТВнинг тегишли буйруқлари асосида тўрт босқичда белгиланган фанлар буйича ташкил қилинади.

Олимпиаданинг барча босқичлари ягона талаблар, яъни тест-синови топшириқлари асосида ўтказилади. I, II, III босқичларда тест-синови топшириқлари билан бирга ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин. IV босқич эса фақат тест-синовлари асосида компьютерларда ўтказилади.

I. ОЛИМПИАДАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Зукколиги, қобилияти ва билим даражаларига кўра иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш;

1.2. Умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг ўқув фанларига бўлган қизиқишларини ошириш;

1.3. Ўқувчиларнинг ўқув фанлари буйича намоён бўлган қобилиятларини аниқлаш ва уларни ривожлантиришга замин тайёрлаш;

1.4. Ўқувчиларнинг ўқув фанларини ўрганишга иштиёқлари ва илмга қизиқувчанликлари мавжудлигини аниқлаш;

1.5. Юқори синф ўқувчиларига касб танлаш борасида кўмаклашиш;

1.6. Мактабда ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш, малака ва кўникмаларини такомиллаштириш; олий мактаб, илмий тадқиқот институтлари ходимлари билан ҳамкорликни таъминлаш;

1.7. Халқ таълими ходимлари, хусусан ўқитувчиларнинг ўз фани ва касбига қизиқиши ва масъулиятини ошириш.

II. ОЛИМПИАДАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Умумтаълим фанлари буйича республика олимпиадаси мактаб, махсус мактаб-интернат, лицей, гимназия ва айрим фанлар чуқур ўқитиладиган мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари умумтаълим фанларидан ташкил этиладиган олимпиадаларнинг III-IV босқичларида мактаб ўқувчилари билан биргаликда умумий асосда қатнашадилар.

2.2. Кўзи ожизлар махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун математика, она тили ва адабиёт фанларидан олимпиада ёзма ва оғзаки равишда икки босқичда (вилоят ва республика миқёсида) Брайл усулида ўтказилади. Топшириқлар ижодий гуруҳ томонидан тузилади. Натижалар умумий асосда баҳоланади.

2.3. Янги турдаги ўқув муассаса (лицей, гимназия)ларининг, шу жумладан республика миқёсидаги ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган лицейлар ўқувчилари ўзлари жойлашган ҳудудда III тур олимпиадада иштирок этиб, ғолиблари IV турда қатнашадилар.

2.4. Олимпиадани ўтказиш босқичлари буйича методик тавсиялар, баҳолаш мезонлари республика Таълим илмий-методика маркази томонидан тайёрланади ва жойларга етказилади.

2.5. IV босқич тест-синов топшириқларини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази тайёрлайди.

2.6. I, II, III босқичларда ҳайъат раиси ва аъзолари тест-синов ишларини адолатли баҳолаш ва олимпиада топшириқларига оид бўлган барча маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш буйича юқори ташкилотлар олдида масъулдирлар.

2.7. Фарзандлари, ўқитган ўқувчилари ёки яқин қариндошуруғлари олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳайъат аъзолари тегишли босқичда ҳайъат аъзолигидан чиқариладилар.

2.8. Олимпиадани ўтказиш масъулияти (барча босқичларда) жойлардаги халқ таълими идоралари ва муассасалари зиммасига юклатилади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ

2.9. Мактаб олимпиадалари ноябрь ойида (таътил кунларида) мактаб метод бирлашмалари томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда тайёрланган тест-синов ва амалий топшириқлар асосида ўтказилади. Бу босқичда, ёшидан қатъи назар, олимпиадада қатнашиш истагини билдирган 5-11-синф ўқувчилари иштирок этадилар. Ўқувчиларга бир неча фандан ўз имкониятларини синаб кўриш учун шароит яратиш мақсадида олимпиада дарсдан ташқари вақтда ва ҳар бир фандан бошқа-бошқа кунларда ўтказилади. Қолган босқичларда ҳар бир ўқувчи энг яхши натижаларга эришган фанларидан бири буйича иштирок этиши мумкин.

— Олимпиадада ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмалари мактаб ўқитувчиларидан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати йиғилишида тасдиқланган мезонлар буйича баҳоланади.

— Олимпиада натижалари мактаб педагогика кенгашида муҳокама қилинади. Кенгаш қарорига асосан туман, шаҳар олимпиадасига қатнашиш учун мактаб жамоаси (гуруҳи) тузилади.

— Мактаб олимпиадасида ғолиб чиққан ўқувчилардан тузилган гуруҳ ёки жамоа туман (шаҳар) олимпиадасида қатнашади.

— Олимпиаданинг биринчи босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни мувофиқлаштириш туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига юклатилади.

— Мактаб босқичидаги олимпиадада қатнашиб, ғолиб деб топилган ва педагогик кенгаш қарори асосида тавсия этилган ўқувчиларгина туман (шаҳар) олимпиадасида қатнаша оладилар.

— Олимпиаданинг 1-босқичини ўтказишга мактаб директорлари ва педагогик кенгашлари масъулдирлар.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ:

2.10. Туман (шаҳар) олимпиадалари 15 декабргача ўтказилади. Бу босқич учун топшириқларни туман (шаҳар) метод бирлашмалари ва тажрибали ўқитувчилардан тузилган ишчи гуруҳлар тайёрлайдилар. Олимпиадада биринчи босқич ғолиблари булган, ёшидан қатъи назар, ўқув дастурлари талаби асосида тузилган топшириқларни бажара оладиган, мактаб педагогик кенгаши тавсиясига асосан ғолиб деб топилган 9, 10, 11-синф ўқувчилари қатнашадилар. Тўпланган баллар натижасига кўра ғолиб белгиланади. Ғолиблар сафидан ҳар бир фан буйича вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри олимпиадасида қатнашиш учун жамоалар тузилади.

— Олимпиаданинг II босқичини ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати таркиби туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тузилади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади. Ҳакамлар ҳайъати таркибига тажрибали ўқитувчилар, метод бирлашма аъзолари, туман халқ таълими бўлими методистлари киритилади.

— Олимпиаданинг II босқич якунлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими кенгашларида муҳокама қилинади, ғолиблар ва уларнинг ўқитувчилари рағбатлантирилади. Кенгаш қарори асосида III босқичда қатнашиш учун туман (шаҳар) жамоаси тузилади.

— Олимпиаданинг II босқичини ўтказиш масъулияти туман (шаҳар) ХТБ мудирлари ва ташкилий қўмита аъзоларига юклатилади.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ:

2.11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олимпиадалари январь ойида (таътил кунларида) ўтказилади. Ҳар бир фан буйича III босқич олимпиадасида қатнашувчи жамоа аъзоларининг сони Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан белгиланади.

— Учинчи босқич тест-синов топшириқлари ва амалий вазифалар муқобил тарзда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институтлари қошида тузилган ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланади;

— Олимпиаданинг III босқичида туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг тавсиясига биноан ўз синфлари ҳажмида мўлжалланган топшириқларни бажариб, II босқичда 1-ўринни эгаллаган 9, 10, 11-синф ўқувчиларигина қатнашадилар;

— Ўтган йилги вилоят олимпиадасида 1 даражали диплом билан тақдирланган 9 ва 10-синф ўқувчилари белгиланган тартибда III босқичда тўғридан-тўғри иштирок этадилар;

— Олимпиаданинг III босқичи Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан вилоятларда жойлашган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг масъул ходимлари бошчилигида ўтказилади;

— Олимпиаданинг учинчи босқичини ўтказиш жадвали ва жойи, ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг таркиблари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

— Ҳар учала босқич олимпиадалар ошкора, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирокида адолатли ҳал этилиши керак.

ҒОЛИБЛАРНИ БЕЛГИЛАШ:

— Ҳар бир фандан ғолиблар сони қуйидагича белгиланади:

I ўрин 1 та ғолиб;

II ўрин 1 та ғолиб;

III ўрин 1 та ғолиб.

— Хорижий тилларининг ҳар биридан (инглиз, немис, француз) 1 нафардан ғолиб белгиланди.

Яъни: I ўрин 3 та ғолиб;

II ўрин 3 та ғолиб;

III ўрин 3 та ғолиб.

— Олимпиаданинг III босқичида 1-ўринни эгаллаган 11-синф ўқувчиларидан республика олимпиадасида қатнашиш учун жамоа тузилади. Республика олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқи вилоят олимпиадасида топшириқларнинг 75 фоизидан кўпига тўғри жавоб берган иштирокчилар орасидан танланади. Учинчи босқич қатнашчиларининг ишлари чуқур таҳлил этилиб, ғолиб ўқувчиларнинг тест топшириқлари ва амалий ишлари билан бирга Низомда кўрсатилган ҳужжатлар (1-2-илова) аниқ расмийлаштирилиб, вилоят ташкилий қўмитаси тавсияси билан 20 февралдан кечиктирилмай республика Таълим илмий-методика марказига топширилади. Ҳужжатларни почта орқали юбориш ман этилади. Талабнома ва бошқа зарур ҳужжатларни ўз вақтида топширмаган жамоа IV босқичда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

— Олимпиаданинг III босқичини тайёрлаш ва ўтказиш масъулияти вилоятлар ХТБ бошлиқлари ва ташкилий қўмиталарга юклатилади.

ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ:

2.12. Республика олимпиадасида ҳар бир ўқув фани буйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган 11-синф ўқувчилари қатнашадилар.

2.13. Олимпиаданинг тўртинчи босқичи баҳорги таътил кунлари (25-29 мартда) Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази билан ҳамкорликда ўтказилади. IV босқич тест-синов топшириқлари Давлат Тест маркази томонидан тайёрланади (Изоҳ: кўзи ожизлар учун махсус мактаб-интернат ўқувчилари олимпиада топшириқларини Брайл усулида бажариши ҳамда чизмачилик фанидан амалий машғулотлар мавжудлигини инобатга олиб, бу фанлардан олимпиада вазирлик буйруғига би-

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

СУРИЯ ОЛИМИ РИСОЛАСИ

Суриялик тарихчи Акрам Ҳасан ал-Аълабийнинг «Темур ва ҳикоятуҳу маъ Дамашқ («Темур ва унинг Дамашқдаги ҳикояси») асари 1987 йилда Дамашқдаги «Дор ал-Маъмун ли-т-турос» матбаъасида чоп этилган. Асар етти бобдан (фасл) иборат бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўнгги йилларда араб тилида яратилган муҳим асарлардан ҳисобланади.

Биринчи бобда Амир Темурни 1336 йилда Кеш (Шаҳрисабз)га қарашли Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топганлиги, насл-насаби, исми ва лақаблари, ёшлик йилларида содир бўлган воқеалар, унинг авлиё ва шайхларга эътиқоди ўз ҳаётида шайх Шамсиддин ал-Фоҳурий (форсий манбаларда Кулол), Зайниддин Абу Бакр ат-Таёбодий, Саййид Барака ва Ҳожа Али ибн ал-Муайяд ат-Тусий каби уламоларнинг руҳий, маънавий мададидан баҳраманд бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу бобда, шунингдек, мухтасар ҳолда Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши ва шундан кейинги ҳарбий юришлари ҳақида қисқача тўхталади. Ушбу бобнинг охирида Амир Темурнинг хотинлари ва фарзандлари номма-ном келтирилиб, улар ҳақида баъзи маълумотлар берилади.

Асарнинг «Амир Темур инсон» деб аталган иккинчи бобида ўша давр тарихчиларининг маълумотларига асосланиб Соҳибқироннинг ташқи қиёфаси, унинг суврати ва сиймоси ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Амир Темурнинг табиати (характери), унинг одатлари ва феъли атвори, Амир Темурнинг ҳақгўй ва адолатпешалиги, унинг расмий тамғасидаги нақши «Рости расти» — яъни «ҳақиқатни сўзласанг нажот топасан» бўлганлиги, унинг олиму уламоларни, моҳир ҳунарманду санъат аҳлларини ўзига яқин тутганлиги, шатранж ўйинида ўз даврининг энг моҳирларидан бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Муттасил равишда тарихий ва диний мавзулардаги қиссаларни чиройли овозда ўқитиб эшитиши, ҳатто ушбу қиссаларни ўқиётган қорилар хатога йўл қўйса, Амир Темур ҳазратлари шу заҳоти тузатарди, деб ёзишларидан Соҳибқирон ушбу тарихлардан яхши хабардор бўлганлиги аён бўлади. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур форс, турк ва мўғул тилларини яхши билиб, араб тилида эса камроқ гапирган.

Амир Темурнинг диний қарашлари, унинг дин арбобларию уламолари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам айнан шу бобда кўп маълумотлар келтирилиб, бу масалада турли нуқтаи назарлар эътиборга олиниб, хулосалар чиқарилган. Шунингдек Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида Ғарбу Шарқнинг қатор олимлари фикр-мулоҳазалари ҳам айнан шу бобнинг охирида келтирилган.

Асарнинг учинчи боби «Амир Темур ҳоким» деб аталиб, унинг бошланишида Соҳибқироннинг салтанат юритиш масаласидаги назарий қарашлари ва бу борадаги унинг қатор фикр-мулоҳазалари келтирилади. Мазкур бобнинг бир бандида Амир Темур ҳукуматининг таркиби ва аъзолари ҳамда улар амалга оширадиган асосий вазифаларга бағишланган. Айни шу бандда Амир Темур даврида кенг қўламда қўлланилган уйғур ёзуви, соҳибқирон саройида хизматда бўлган олиму уламолар, муҳаддислар, қорилар, мунажжимлар, шатранж усталари, ҳофизлар, мутрибу муғаннийлар, табиблар ва бошқа илм аҳллари номма-ном келтирилади. Шулар билан бирга ўша даврда ўтказилган маросимлар, тантаналар ҳақида ҳам муайян тасаввур берилади.

Мазкур бобнинг бошқа бир банди армия (жайш) ва яширин хизмат (мухобарат) ҳақидаги маълумотларга бағишланган. Бунда қўшин бошлиқлари ва уларнинг ўша даврдаги рутбалари ва даражалари ҳақида, Амир Темур қўшини ўртасида мавжуд бўлган қаттиқ интизом, ҳарбий масалалардаги қатъий тартиботлар ва қоидалар ҳақида фикр юритилади. Қўшин бошлиқлари ва аёнлардаги зийраклик, тадбиркорлик ва матонат ҳақида аниқ мисоллар келтирилади. Амир Темурнинг разведка (мухобарат)га алоҳида аҳамият бергнини дунёнинг турли томонларида унинг хабарчи жосуслари бўлганлигини таъкидлаб, ва Шомдаги мавжуд сиёсий вазиятни шарҳлайди. Миср султони аз-Зоҳир Барқуқнинг тарихи, ундан кейин ҳокимият тепасига келган унинг ўғли Носир Фараж, мамлакатда аҳволнинг ёмонлиги, салтанатга алоқадор бўлган амирлар ва ноиблар ўртасида тўхтовсиз ихтилоф ва келишмовчиликлар содир бўлганлигини хабар қилади. Мана шундай ҳолатда Миср султони билан Амир Темур давлати ўртасидаги бевосита муносабатлар рисоланинг энг муҳим қисми, шубҳасиз, унинг бешинчи бобида бўлиб, у «Амир Темур ва Миср мамлуклари» деб аталган. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур билан Миср султони аз-Зоҳир Барқуқ ўртасидаги дипломатик алоқалар 1385 йилдан, яъни ўзаро мактублар ва элчилар алмашуви воситасида бошланган. Мана шу бобда таъкидланишича, 1394 йилда Қоҳирадан Шомга ўз қўшинлари билан келган султон аз-Зоҳир Барқуқ Дамашқда Даштиқипчоқ ҳокими Тўхтамишхон ва турк султони Елдирим Боязид элчилари билан учрашиб, Амир Темурга қарши уч томон биргалашиб курашиш хусусида келишиб оладилар. Амир Темурнинг Шомни фатҳ этиш сабаблари, бу воқеа арафасида, шунингдек ундан кейин юз берган воқеалар, Миср султони атрофидаги арбобу аёнларнинг ношуллиги, Шом шаҳарларининг ноибларини ўзаро ихтилоф ва низолари ҳақида ушбу бобда муфассал маълумотлар келтирилган.

Рисоланинг бир боби Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан мулоқоти ва суҳбатига бағишланган. Муаллиф бу хусусда Амир Темурга бағишлаб ёзилган асарларида муфассал ёзган XV аср таниқли араб тарихчилари Ас-Саховий, Ибн Арабшоҳ, Ибн Шиҳна ва бошқаларнинг маълумотларига таянган ҳолда Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан суҳбати тафсилотларини деярли сўзма-сўз келтиради. Амир Темур билан буюк араб мутафаккири Ибн Халдун ҳамда Дамашқ олимлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар хусусида ҳам талай қимматли маълумотларни айни шу бобда учратамиз.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихчи Акрам Ҳасан ал-Аълабийнинг кўп ёзма манбаларга асосланиб битган ушбу рисоласи Амир Темур ва Миср султонлари ўртасида мавжуд бўлган алоқаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Убайдулла УВАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Ҳунар яхши-да. Бирор ҳунар эгаси бўлсангиз, умрингиз ҳам мазмунли кечади, кайфиятингиз ҳам яхши бўлади. Тошкент шаҳридаги 6-ҳунар-техника билим юрти талабаларининг ҳам, кўриб турганингиздек, кайфиятлари ҳамиша яхши, билим масканида ўтаётган кунлари сермазмун. Чунки, ёшлар бу ерда дурадгор-қурувчи, сувоқчи-бўёқчи, бўёқчи-гул босувчи, ошпаз-қандолатчи, тикувчи, чилангар, электр пайвандчи касбларининг моҳир усталари бўлиб етишмоқдалар. Дарвоқе, 9-11-синфларни битирган, бирор ҳунар ўрганиш орзусида юрган ўсмир дўстларимиз ҳам бехабар қолишмасин — ушбу билим масканини сўроқлаб келаверсинлар.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БРОКЕР (инг.), маклар — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма. Улар фонд ва товар биржаларида, валюта, суғурта ва фрахт бозорларида сотувчилар ҳамда харидорлар (мижозлар) ўртасида олди-сотди қилишга ёрдам беради. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари, асосан, брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун томонларнинг келишувига кўра ёки биржа қўмитаси жорий этган такса (қатъий баҳо)га мувофиқ, олди-сотдининг муайян процента миқдорида ҳақ (брокериж) олади. Йирик брокерлик идоралари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда ўзлари кредитор бўладилар, битимлар бажарилишига кафилликни ҳам ўз гарданларига оладилар. Катта брокер гофброкер деб аталади.

БРОКЕРЛИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ — тижорат банкларида биржа ҳаракатларини амалга ошириш учун очиладиган воситачилик ваколатхоналари. Улар корхона, ташкилотлар ва хусусий шахсларга бошланғич нархини белгилаб, қимматбаҳо қоғозлар, векселлар, акция ва облигацияларга харидорлар топишга ёрдам беради.

БУМ (инг. — шов-шув)— товарлар нархлари ва қимматбаҳо қоғозлар курсининг кўтарилиши, биржа чайқовчилигининг авж олиши кўринишида юз берадиган саноат, савдо ва бошқа хўжалик соҳаларидаги қисқа муддатли сунъий юксалиш.

«БЕФЕР» КРЕДИТЛАР, қалқон кредитлар — Халқаро валюта фонди берадиган кредит тури. Жаҳон бозорларида хом ашё нархини барқарорлаштириш мақсадида барпо этиладиган хом ашё товарларининг буфер ғамламаларини молиялашга ажратилади.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ — корхона фаолиятининг пул ҳисобидаги кўрсаткичи тизими. Ҳисобот санасида маблағларнинг сарфланиши, манбаи ва мақсадини таърифловчи жамловчи жадвалда акс эттирилади. Икки қисмдан иборат: чап томони актив, ўнг томони пассив. Актив ва пассив натижалари тенг бўлиши керак. Бухгалтерия баланси — республикамиздаги ҳар қандай корхона бухгалтерия ҳисоботи учун энг муҳим формалардан бири (1-форма).

БУШЕЛЬ (инг.) — суюқлик ва сочилувчан моддаларнинг АҚШ ва Англияда ишлатиладиган ҳажм ўлчов бирлиги: 1 инглиз бушели =36,3687 л; 1 американ бушели = 35,2393 л.

БУЮРТМАЛАР ПОРТФЕЛИ — муайян сана ёки белгиланган муддат ичида фирмага тушган буюртмалар мажмуи. Буюртмалар портфели озкўплигига қараб муайян товарлар бозоридаги ҳолат аниқланади.

БЭКВОРДЭЙШН — нақд товарлар нархи муддати келишилган товар нархига қараганда, тез фурсатда етказиб бериладиган товар нархлари кечикиброқ етказиладиган товарлар нархига нисбатан қимматроқ бўлган ҳолат (контангонинг акси). Масалан, февралда (1 т учун доллар) нақд соя дони 300, март ойида етказиб берилганда — 290, май ойида 280, июнда — 270, августда — 265, сентябрда — 250, ноябрда —230 бўлиши мумкин. Бозордаги нархларнинг бундай нисбати, одатда, омборларда товарларнинг етишмаслиги (ҳосил бўлмаганлиги, иш ташлашлар оқибати ва б.) билан, келгусида эса таклифнинг ортишига ишониш (масалан, янги ҳосил ҳисобига) билан боғлиқ. Бу даврда бозор ўта асабийлиги, нархларнинг гоят паст-баландлиги, чайқовчиликнинг кучайиши билан ажралиб туради.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

УЙҒОҚ ХАВОТИР

Ҳамидулло Ҳамроев 50-йилларни жуда яхши хотирлайди. У вақтларда ҳозиргидай шарт-шароитлар қаёқда дейсиз. Ўқувчиларга синф хонаси танқислигидан баъзан дўкон омборхоналаридаям дарс беришга тўғри келарди. Чунки эндигина қаддини ростлаётган ҳукуматдан янги бино талаб қилишнинг ўзи бўлмас эди-да!

— Ҳозирги ёшлардан негадир кўнглим тўлмайди, — дейди Ҳамидулло ака — илгариги болаларнинг иштиёқи баланд эканми, ишқилиб, ҳар қалай мактабларда тартиб бор эди. Айниқса, она тили ва адабиёт фанидан ўқувчилар шеърлар, монологлар ёдлашарди. Ваҳоланки, улар бундай машғулотлар билан ўқитувчи тазйиқи остида эмас, балки қизиқиш туфайлигина боғлиқ эдилар. Ҳозир эса баъзи ёшларни яхши гап билан ҳам, ёмон гап билан ҳам негадир ўқишга йўллаб бўлмай қолди.

Аслида, Ҳамидулло акадаги қаттиққўлликка меҳр кўзи билан қараган маъқул. Негаки, бу тажрибанинг замирида қанчалаб буюк, ҳавас қилса арзигулик келажак ётади. Бундоқ ўйлаб қаралганда эса, Ҳамидулло Ҳамроев Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 20-мактабда ўзининг севимли она тили ва адабиёти фанидан 40 йилдан ортиқроқ дарс бериб қўйибди. Лекин у ҳақиқий устозлик фаолиятини эл қатори мактабдан эмас, балки энг аввало оиладан бошлаган. Айни кунда ўғиллари Ҳамзажон ва Фарид Самарқанд тиббиёт олийгоҳида, Фарҳоджон МГУ да, Фаррўх СамДУ да, қизлари Ҳулкарой ТошДУ да, Юлдузхон ҳамда Ҳақиқатхонлар мактабда ишлашади. Умуман, фарзандларнинг ҳаммаси олиму муаллим. Оила миқёсидаги бунақа юқори кўрсаткичлар эса ҳатто республикада ҳам жуда кам учрайди.

Ҳамидулло ака 1983 йилда ўзи дарс бераётган 10-синф ўқувчиларини Москвадаги тенгдошлари билан яқиндан дўстлаштиришга эришди. Улар аввалига хат орқали алоқа қилиб туришди. Орадан кўп вақт ўтмай Ҳамидулло Ҳамроев барча болаларни Москвага олиб бориб, 15 кун давомида ўз дўстлари билан айнан ўшаларнинг хонадонларида бўлишиб, дилдан, тўйиб-тўйиб суҳбатлашишларига, ўзаро фикр алмашишларига имкон яратиб берди. Албатта, ўша ўқувчиларнинг кўпчилигига мактабни тугатиб, дала ёки бирор ўзи ёқтирган соҳа билан ўралашиб қолгач, балки Тошкентни бир маротаба шунчаки томоша қилиб кетиш ҳам насиб этмагандир. Аммо ўша кучли дўстона меҳрга йўғрилган Москва сафари бир умр юраклараларига муҳрланиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Ҳамидулло Ҳамроевнинг 40 йиллик иш тажрибасини таҳлил қилиб ўтириш сираям шарт эмас. Балки, баъзи фактларни келтириб ўтиш кифоя. Унинг ўқувчилари қарийб 20 йил мобайнида она тили ва адабиёти фанидан республика олимпиадаларида ғолибликни қўлдан бермай келишди. Қолаверса, Ҳамидулло ака салкам 20 йиллар чамаси директорлик фаолиятида мактабнинг ички имкониятларини янада кенгайтиришга, барча мураббийларни ортидан эргаштира билишга эриша олди. Самарали меҳнатлари эвазига «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвонига сазовор бўлди.

Аслида, у олим ёхуд академик даражасига ета олмагани учун сира афсусланмайди. Чунки ўзи ўқитган, бутун қалб кўрини берган олим, юрист, малакали медикларни бир томонга қўйиб, саккиз ёшли невараси Тўмарбек эса 1-синфни тугаллаш арафасида эканлигини кўргач, кимлар ҳайратланмайди дейсиз?

Йўқ, бу кимларгадир миннат ҳам эмас. Шунчаки рақамлар, холос. Лекин, айни пайтда нақ олтмишни уриб қўйган Ҳамидулло Ҳамроевнинг ўз эзгу мақсадлари йўлида қанчақанчалаб машаққатларга дош бергани, энг асосийси, ўзининг ҳалол меҳати эвазига кўпнинг эътиборига тушиб, ҳурмат топгани бир бутун ҳақиқат-ку! Қолаверса, шу кичик фактларнинг ўзиёқ оддий, серқирра педагогнинг олимлигию академиклиги эмасмикан?..

Яна бир нарса. Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар ҳамиша фақат тотли, ширин ташвишлар билан ўралаша олса, қандайдир ёқимли орзу-умидлар илинжида қалбида уйғоқ хавотир билан яшаса нақадар яхши. Айниқса, Ҳамидулло акага ўхшаб барча эзгу ишларни энг аввало оиладан, ўз фарзандларимизнинг келажак ташвишларидан бошлай олсак, бу ҳаммамизга ҳам албатта пиру бадавлатлик ато этади.

Олимжон ҲАЙИТ.

«АСАЛТОЙ» —50 ЁШДА

Болаларга илк таълимни бериб, ахлоқ-одоб, катталарни ҳурмат қилишга ўргатиш, улар онгига мустақиллик, эркинлик тушунчаларини сингдиришдек савоб ишлар кам бўлса керак дунёда. «Асалтой» номли 12-болалар боғчаси ҳам ана шундай намунали тарбия ўчоқларидан ҳисобланади.

Яқинда файзли тус олган залда боғча ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланди. Ушбу тантанага яқин атрофдаги «Янги ҳаёт» маҳалласи фаоллари, шу тарбия масканида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 9 нафар собиқ боғча ходимлари таклиф этилди.

Тадбир давомида боғчадаги «Нилуфар» болалар дастаси иштирокчилари устозлар, оналар, мустақил юрт тўғрисида шеър, қўшиқлар ижро этишди, қувноқ рақсларга тушишди. Боғчанинг нафақадаги фахрий ходимларига ҳомийлар — Тошкент экскаваторларни таъмирлаш заводи, «Алгоритм» корхонаси, «Шарқона ҳаёт» фирмаси ва боғча маъмуриятининг совғалари топширилди.

Мухбиримиз.

ноан белгиланган тартибда ўтади.

— Якунловчи босқични ўтказувчи ҳакамлар ҳайъати таркиблари вазирлик буйруғи билан тасдиқланади. (Узбекистон Республикаси ХТВ тасарруфидан ташқари бўлган ташкилот раҳбарлари билан келишилган ҳолда).

— Республика олимпиадасини ўтказувчи Ташкилий қўмита Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

— Ташкилий қўмитага жойлардаги халқ таълими бўлимлари, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилоти вакиллари кирадилар. Ташкилий қўмита якунловчи босқич дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини таъминлайди.

Қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан III босқич олимпиада ғолиблари ҳам Ўзбекистон Президенти Фармони асосида ғолибларга бериладиган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланадилар.

2.14. Республика олимпиадасида қатнашувчи жамоалар қуйидаги шартларга риоя қилишлари керак:

— талабномани Низом асосида ёзишлари;

— вилоят олимпиадасида топшириқларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғри бажариб, биринчи ўринни эгаллаган ўқувчиларни рўйхатга киритишлари;

— олимпиада иштирокчиларининг соғлиги ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, 3х4 ҳажмдаги иккита расмларини олиб келишни таъминлашлари лозим.

Республика олимпиадаси ўтказиладиган жойга жамоаларни олиб бориш ва олиб келиш, яшаш шароити, соғлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий ишлар Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан раҳбар этиб тайинланган масъул ходимларга юклатилади.

Олимпиадага ўқувчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, уларга раҳбарлик қилиш ва соғлиги учун масъуллик жамоа (гуруҳи) раҳбарлари зиммасига юклатилади.

3. ОЛИМПИАДАГА РАҲБАРЛИК:

3.1. Олимпиадани тайёрлаш ва ўтказишга умумий раҳбарликни Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва олимпиадани ўтказувчи Ташкилий қўмита амалга оширади.

3.2. Республика олимпиадаси Ташкилий қўмитаси:

— олимпиадаларни тайёрлаш ва ўтказишга илмий-методик ёндашувни таъминлайди;

— олимпиада иштирокчилари жавобларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни таъминлайди;

— якунловчи босқич ҳакамлар ҳайъати таркибини тузади;

— зарурат туғилган ҳолларда ҳакамлар ҳайъати таркиби, масъул котибни ўзгартиради;

— олимпиада иштирокчилари ва уларнинг ота-оналаридан, ҳакамлар ҳайъатидан тушган аризаларни кўриб чиқади;

— олимпиаданинг барча босқичларини ўтказишга оид ҳужжатларни жойларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

— олимпиада натижалари ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот беради;

— республика олимпиадаси ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан энг фаолларини рағбатлантиришга тавсия қилади.

3.3. Жойлардаги ташкилий қўмиталарнинг вазифалари:

— олимпиадани юксак савияда ўтказишни таъминлаш, жамоалар, ҳайъат аъзолари ва республика ташкилий қўмита аъзоларини кутиб олиш, жойлаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш ва кузатишни ташкил қилиш;

— ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда олимпиданинг янада сермазмун ўтказилишини таъминлаш;

— олимпиада ғолибларини қўшимча тақдирлаш учун эсдалик совғаларини тайёрлаш;

— ҳакамлар ҳайъатининг тавсиясига кўра ғолибларни тақдирлаш.

3.4. Олимпиада якунловчи босқичининг ҳакамлар ҳайъати таркибига мактаблар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари, республика ХТХМОМИ, Узбекистон Республикаси Халқ таълими, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, РТИММ ва республика Давлат Тест маркази ходимлари жалб қилинади.

— Масъул котиб Узбекистон Республикаси ХТВ ёки республика Таълим илмий методика маркази ходимларидан тайинланади.

— Якунловчи босқичдаги барча ҳужжатлар масъул котиб томонидан расмийлаштирилади.

— Олимпиаданинг IV босқичини ўтказиш учун масъуллик республика олимпиадасини ўтказиш ташкилий қўмитасига юклатилади.

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Ҳакамлар ҳайъати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

— олимпиада иштирокчилари ва жамоа раҳбарларини олимпиадани ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари билан таништиради;

— олимпиада иштирокчиларининг иш натижаларини текширади ва баҳолайди;

— қатнашчиларни синов натижалари билан таништиради ва эътирозларини кўриб чиқади;

— ғолибларни аниқлаб, уларнинг эгаллаган ўринларини белгилайди;

— олимпиада якунлари юзасидан белгиланган тартибда қарор тайёрлайди ва расмийлаштиради;

— ҳакамлар ҳайъати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми қатнашгандагина олимпиада ишини бошлаш мумкин. Акс ҳолда республика ташкилий қўмитаси билан боғланиб, ҳакамлар ҳайъатига янги аъзолар киритиш чора-тадбирлари кўрилади;

— ҳайъат раиси олимпиада ўтказиладиган жойга келолмай қолганда раис муовини унинг вазифасини бажаради, раис ва унинг муовини келолмаганда эса ҳайъат аъзолари орасидан раис сайланади. Бу ҳақдаги қарор расмийлаштирилиб, республика ташкилий қўмитасига хабар қилинади;

— ҳайъат аъзолари Давлат Тест маркази томонидан тайёрланган олимпиада топшириқлари вариантларини кўриб чиқадилар ва олимпиада давомида туғиладиган муаммолар, саволларга жавоб берадилар;

— олимпиада жараёнида рўй бериши мумкин бўлган техник носозликлар ва англашилмовчиликларнинг олдини олади, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

— олимпиада натижаларини барча олимпиада иштирокчилари ва уларнинг раҳбарлари олдида эълон қилади, зарур бўлса туғилган саволларга жавоб беради;

— ўтказилган олимпиада ҳақида республика ташкилий қўмитасига батафсил ҳисобот беради;

— олимпиада қатнашчиларининг ишлари Давлат Тест маркази томонидан шифрланади ва бир ойгача у ерда сақланади. Бир ой муддатдан сўнг қатнашчилар ишлари ва дискет вариантлари Вазирликка доимий сақлаш учун топширилади.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари буюртмалари асосида тўлдирилади. Қатнашчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) асосида тўлиқ ёзилиши шарт. Қарорларнинг тўғри ёзилишига масъул котиб жавоб беради.

4. ҲУДУДИЙ АППЕЛЯЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ

Олимпиала қатнашчилари ва ҳакамлар ҳайъати томонидан тушган аризаларни кўриб чиқиш учун жойларда аппеляция комиссиялари тузилади. Комиссия қуйидаги ваколатларга эга:

— комиссиялар ишига юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларни ва методистларни жалб қилиш;

— ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ва унга лозим бўлган ўзгартиришлар киритиш;

— иштирокчилар ва ота-оналардан тушган ариза, шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда муаллифларга жавоб бериш;

— лозим бўлганда олимпиада қатнашчиларининг ишларини қайта кўриш;

— мактаб, туман, шаҳар, вилоят олимпиадаларини ўтказишда эътирозлар ва шикоятларни кўриб чиқади.

5. ОЛИМПИАДАГА ЯКУН ЯСАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

5.1. Ўқувчиларнинг билим савияси РТМ илмий-методик кенгашларида тасдиқланган ва фанларнинг хусусиятларини ҳисобга олган мезонлар бўйича баҳоланади.

— олимпиада якунлари ҳар бир босқич натижаларига мувофиқ белгиланади.

Барча босқичларда шахсий биринчилик аниқланади.

5.2. Ғолибларни аниқлаш ҳакамлар ҳайъати кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.

5.3. Республика олимпиадаси ғолибларининг сони ҳар бир фан бўйича қуйидагича белгиланади:

биринчи ўрин — битта;

иккинчи ўрин — битта;

учинчи ўрин — битта.

5.4. Олий ўқув юртларига имтиёзли кириш учун гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчилар республика олимпиадаси топшириқларининг 75 ва ундан юқори фоизига тўғри жавоб берган қатнашчилар орасидан танланади. Натижага кўра I, II, III ўринларни эгаллаган қатнашчилар Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-қарорига асосан имтиёзли гувоҳномалар билан тақдирланадилар.

5.5. Ўқувчилари республика олимпиадасида совринли ўринларни мунтазам равишда эгаллаб келаётган ўқитувчилар ва жойлардаги ташкилий қўмитанинг энг фаол аъзоларини Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари белгиланган тартибда мукофотлаш учун Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этади.

6. ОЛИМПИАДАНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

6.1. Олимпиадани ўтказиш бўйича Вазирликнинг маҳаллий идоралари ҳисобидан қуйидаги сарфлар қопланади:

— биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар;

— қатнашчиларнинг турар жойидан республика олимпиадасини ўтказиш манзилига келишлари ва қайтиб кетишлари, бутун олимпиада даврида жамоага масъул ходимларнинг хизмат сафарлари харажатлари.

6.2. Республика Халқ таълими вазирлиги ҳисобидан қуйидаги тадбирлар учун маблағ ажратилади:

— якунловчи босқични тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

— якунловчи босқич қатнашчиларини жойлаштириш, овқатлантириш, маданий дастурлар, фахрий ёрлиқ ва гувоҳномалар, девонхона ашёлари учун кетадиган харажатлар;

— жамоа аъзолари ва раҳбарларининг Тошкентдан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимпиадаси ўтадиган манзилга бориш-келишлари учун кетадиган хизмат сафари харажатлари.

— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимпиадасини ўтказиш кунлари жамоа аъзолари ва раҳбарларининг овқатланиши ҳамда жойлаштирилиши билан боғлиқ харажатлар.

— Тўртинчи босқични ўтказиш бўйича республика ҳакамлар ҳайъатининг хизмат сафари харажатлари.

6.3. Республика олимпиадаси 17 фан бўйича якунловчи босқичининг барча харажатлари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат Тест маркази ҳисобидан тўланади.

6.4. Олимпиадани ўтказишга ҳамкорлик қилган ташкилотлар (ҳомийлар) якунловчи босқич қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатиш, совға, Фахрий ёрлиқ ва қўшимча мукофотларни харид қилиш учун қўшимча ёрдам беради.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОШ БОШҚАРМАСИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ.

Кўнгил тубидаги туйғулар

***

Қурмасам юрагим юлдузсиз осмон,
Қуёшсиз кундуздир беором кунгил.
Кичкина қалбамга ёғду бермас шам,
Булбулсиз чамандир ёнаётган дил.

Қурсам қувонади оташ кўзларим,
Илоҳий туйғудан энтикар дилим.
Лочиндек чарх урган тошқин ҳисларим,
Оловдек қуйдирар, айланмас тилим.

Кетмагил ғамбода кўнгилни ташлаб,
Васлинг хумориман париваш нигор.
Муҳаббат қасрига борайин бошлаб
Бизга насиб этсин мангулик висол!

***

Қайдасан, қаерда кўзлари хумор?
Ўтли қарашлари жон олгучи ёр?
Йилдан-да узунроқ сенсиз кечалар,
Бағримни ёқасан яна қанчалар?..

Ҳижрон азоблари бермайди уйқу,
Сенингсиз ёришмас кунгил осмони.
Юракни тирнайди муқаддас туйғу,
Интизор дилимнинг бўлгин посбони.

Азиза БОЙМУРОДОВА,
Каттақўрғон туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси.

БАХШИЁНА

(Халқ йўлида)

Мустақил юрт фарзандларига

Ой бола, бола ойдай бўлиб,
Айлансиней, илойим!
Мустақил юрт парвозига
Шайлансиней ҳар доим!

Умид ўссин, орзу ўссин,
Қувонч ўссин ҳар доим!
Гўдакларни паноҳида,
Сақласиней худойим!

Гўзалликда Юсуф бўлсин,
Ишқ мулкида шайх Саънон,
Мардликда шу Алпомишга,
Ҳавас қилсин кенг жаҳон!

Баҳоуддин Нақшбандий
Руҳи уни қўлласин!
Тушларида Хизр бобом,
Эзгуликка йўлласин!

Амир Темур бобосидай
Ҳоқон бўлсин илойим,
Ёвларидан сақласиней,
Қирқ чилтони ҳар доим!

Ҳазрати Нур чашмасидай
Қалби бўлсин мусаффо,
Ибн Сино руҳи қўллаб,
Топсин минг дардга даво!

Улуғбекнинг тақдиринмас,
Олимлигин тиладим.
Шу фарзандлар толеига
Порлоқ юлдуз сўрадим.

Юрсин мудом эл дардида,
Бўлиб юрт пушт-паноҳи
Омин денглар фарзандларнинг
Қурбон бўлсин ҳамроҳи.

Мамараҳим ҚЎЧҚОРОВ,
Нурота туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси.



Ваҳ-ҳ-ҳ!.. Бу тарвуздан емабсиз, дунёга келмабсиз!

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

«ЖАЙҲУН»ГА ЖЎР ЖАЖЖИЛАР

Ёз палласининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш Урганч тумани халқ таълими бўлими раҳбариятининг иш услубларидан биридир. Жумладан, болаларнинг ёзги соғломлаштириш тадбирлари намунали ташкил қилинган.

Амударё соҳилидаги Чалиш мавзесида жойлашган «Жайҳун» болалар оромгоҳида барча қулайликлар мавжуд. Гўзал табиат қучоғида биринчи ва иккинчи сменада 400 ўғил-қиз маданий ҳордиқ чиқарди. Ҳозирги кунда учинчи сменада 200 бола дам оляпти. Болаларнинг шўх қийқириқлари Жайҳун тўлқинлари шовуллашига жўр бўлмоқда. Дарё соҳилидан эсган салқин шабада, сувда чўмилиш, балиқ тутиш ўқувчиларга катта ҳузур бағишлаяпти.

Тумандаги «Камалак» оромгоҳи эса Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг олмазор боғида жойлашган. Унда ўтган икки сменада 320 бола дам олди. Учинчи сменада эса 160 бола ёз гаштини сурмоқда. Улар боғ меваларидан баҳраманд бўлишяпти. Оромгоҳда, айниқса экологик тарбияга катта аҳамият берилаётир. Табиатга муҳаббат туйғусини кучайтириш тарбиячиларнинг доимо эътиборидадир.

Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғида «Истеъдод» болалар дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда. Болтабой Раҳмонов раҳбарлик қилаётган ушбу янги типдаги оромгоҳга иқтидорли болалар жалб этилган. Мазкур масканда компьютерлар мавжуд бўлиб, улар иқтидорли ўқувчилар хизматидадир. Демак, ёзнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмоқ болаларга ҳам хос хусусият бўлса, бунга нима етсин!

Урганч тумани ўқувчилари Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларга ҳам юборилган. Яхши дам олмоқ яхши ўқиш гарови эканлиги шак-шубҳасиздир, албатта.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Халқ таълими фидойилари

КАТТА МАКТАБНИНГ МОҲИР ЕТАКЧИСИ

Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун ҳукумат мукофотига — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлганлар орасида Дилбархон Азимованинг номини ўқиб, ҳудди ўзим тақдирлангандек севиндим. Негаки, Дилбар Азимова ҳар жиҳатдан ҳам шу мукофотга муносиб педагог. Мен уни 1959 йили Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактабда иш бошлаган кунидан биламан. У жамоа орасида моҳир ташкилотчи, жонкуяр муаллима сифатида обрў топди.

Дилбар Азимова 1982 йилда мактаб директорлиги лавозимида иш бошлаганидан бери қанчадан-қанча янгиликлар жорий этилди. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида директор билан турли масалаларда бақамти келиб турганим учун ҳам буларнинг баридан хабардорман. Мактаб ва маҳалла ўртасида таълим-тарбия борасидаги ишталар йил сайин мустаҳкамланиб бораяпти. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари ҳар доим биргаликда ўтказилади. Бу байрамларни мактаб маъмурияти раҳбарлигида педагогик жамоа ва ўқувчилар билим ҳамда тарбия намойишига айлантиришади. Ота-оналар ҳам, педагоглар ҳам мамнун. Таъмирлашга келганда маҳалла ва ота-оналар мактабни яккалаб қўйишмайди. «Нега?» — деб савол бераман ўзимга ва маҳалла аҳлининг мактабга, директорга бўлган муносабатини унинг меҳнатига берилган баҳо деб биламан.

Директорни катта рўзғорнинг онахони дегим келади. Лекин рўзғор бўлганда ҳам ҳай, ҳай, бунақа катта рўзғорни бошқаршни айтинг... Ўқув-тарбия ишларини бир ёқа қўйиб туриб, (аслида асло бундай қилиб бўлмайди-я), уч сменада таълим олаётган мингдан ортиқ ўқувчини танаффусда сдириш-ичиришнинг узиёқ...

Дилбархон билан бўлган суҳбатлардан бирида у шундай деди: «Мустақил республикамизнинг бугунги куни мактаблар олдига янги талаблар қўяяпти. Жамиятимиз туб ислоҳотлар сари одимлаётган бу даврда мактабларга, билимга бўлган эҳтиёж узлуксиз узгариб турибди. Шу меъёр бизнинг мактабимиз учун шиор бўлиб қолди».

Дилбар Азимованинг сўзи билан иши бир. У мактабдаги ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш йўлида ўқитувчилар билан бирга аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун мактаб ўқувчилари туман, шаҳар ва республика миқёсидаги тест синовларидан муваффақиятли утишаяпти. Шу йил апрель ойида педагогика билим юртида утказилган тест синовларида мактабнинг 9-11-синф ўқувчилари энг юқори балл олдилар, уч ўқувчи юқори рейтинг асосида узбек-турк лицейига утиб, муваффақиятли ўқияпти. Бундай мисолларни қуплаб келтириш мумкин. Масалан, 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Ғофурова энг замонавий халқаро андозалар асосида ўтказилган интеллектни аниқловчи тест синовида республикамизнинг энг кучли ун ўқувчисидан бири бўлди.

Таълим сифатини кўрсатувчи яна бир мисол: икки йилдирки мактабни битирган ўқувчилар олий ўқув юртларига муваффақият билан имтиҳон топшираётирлар. 1994 йилда мактабни тамомлаган 22 ўқувчидан 18 нафари, 1995 йилда эса 24 ўқувчидан 19 нафари олий ўқув юртига киришга муваффақ бўлди.

Бу далилни эшитганимда ўйланиб қолдим: ахир, бу ниҳоятда катта ютуқ! Бунга қандай эришишди экан? Шу ҳақда директор билан бўлган мулоқотдан билдимки, у, аввало, бошланғич таълимга катта аҳамият берар экан.

Дилбархон табиатан қизиқувчан. Ўқитиш борасида бирон янги усулдан хабар топди, дейлик, илмий мудир Эркин Исаев ва ўқитувчилар билан маслаҳатлашиб, мактабда қўллашга ҳаракат қилади. Мазкур ўқув йилида ҳам улар жадаллашган ўқитиш усулини қўллашди. Натижада бериш учун уч нафар фан номзоди, беш нафар олий тоифали ўқитувчи таклиф этилди. Натижада синфлардаги ўқувчиларнинг дарсга ҳаваси ортди, иккинчидан, дарсни малакали олимлар олиб бориши, уларнинг талабчанлиги ўқувчиларда масъулият ҳиссини оширди. Бунинг самараси эндиликда ўзини кўрсатаяпти. Мактабнинг уч ўқувчиси Улуғбек фонди аъзолигига қабул этилди, 8-синф ўқувчиси Ғайрат Имомхонов эса ижодий ютуқлари учун беш юз сўм пул утказилган омонат дафтарчаси билан рағбатлантирилди. (Орадан беш йил утиб бу дафтардаги омонат 25 минг сўм бўлади.)

Ҳа, Мустақил юрт фарзандларида илм-фанга меҳр уйготаётган 138-мактаб ўқитувчилари меҳнати олқишга муносибдир. Шу боис шаҳар халқ таълими соҳасидаги турли тадбирлар айнан шу мактабда утказилаётир. Масалан, мактабда шаҳар ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти қошидаги академик Восил Қобулов раислигидаги «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»ни ўқитишни такомиллаштириш ишчи семинари утказилди. Семинарда раислик қилган академик В. Қобулов, фан докторлари М. Зиеҳужаев, А. Абдуқодиров ва ундан зиеҳ фан номзодлари 10-11 синфларда «Информатика татбиқлари», жумладан, иқтисодий билимларни компьютер ва математика воситасида ўқитиш масаласини кўрдилар. Ва семинарга якун ясаларкан, халқ таълими концепциясига кўра иқтисодий таълимни 10-11 синфда ўқитиш айнан шу 138-мактаб иш тажрибаси асосида оммалаштириш белгиланди. Буни мактаб педагогик жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳо десак хато бўлмас. Шу йилнинг узида мактаб ўқитувчиларидан бир нечтасига туман халқ таълими бўлими томонидан олий ва биринчи тоифа малакаси берилганлиги ҳам улар меҳнатининг юксак қадрланганлигини кўрсатади.

Жамоа эришган муваффақиятлари билан кифояланиб қолмади. Бу йил улар беш балли усулдан воз кечиб, кўп балли усул асосида рейтинг тизимини узлаштирдилар. Бу янги услубни таълимга жорий этишда олий тоифали муаллимлар Бахтиер Каримов, Галина Александровна Головина, Мавлуда Солиевалар, техника фанлари номзоди Нодир Салимов, иқтисод фанлари номзоди Абусаттор Қорабоев ва Абдулҳай Ҳамидовлар жонбозлик кўрсатаётирлар...

Маҳалла қўмитаси хотин-қизлар кенгаши ва ота-оналар номидан Дилбар Азимовани унвон билан табриклаганимизда у узига хос камтаринлик билан, бу мукофот ёлгиз унга эмас, бутун жамоанинг меҳнатига берилган баҳо эканлигини таъкидлади. Унинг сўзида жон бор. Юқорида санаб ўтганим муваффақиятларнинг бари Дилбар Азимова бош бўлган ўқитувчилар жамоасининг аҳиллик билан олиб бораётган меҳнати самарасидир. «Истаган имконият қидиради» деганлари қанчалар тўғрилигига яна бир бор қаноат ҳосил қилдим.

Холида АҲРОРОВА.

Журналларнинг янги сонларида

«ҒУНЧА»: ҲИЛПИРАЙВЕР, ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ!

Журналнинг янги 7-сонини қўлга олишингиз билан унинг муқовасидаёқ Ўзбекистон давлат байроғининг ҳилпираб тургани кўзга ташланади. Мустақил республикамизнинг давлат рамзларидан бўлган бу Байроқ ҳақидаги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. Аслида байроқ нима? У нега муқаддас ва эъзозга лойиқ? Ўзбекистон Давлат байроғи ранги ва белгиларида қандай мазмун акс этган? Шу каби қанча-қанча саволларга кичкинтойлар журналнинг ушбу махсус сонидан жавоб топиши мумкин.

«Ғунча»нинг Ўзбекистон Давлат байроғига бағишланган бу махсус сони саҳифалари шоир Сафар Барноевнинг «Омон бўл, ўзбегим» балладаси, академик Алибек Рустамийнинг «Байроқ нима?» мақоласи билан бошланади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Байроққа талпинган бола» ҳикояси, Абдусаид Кўчимовнинг «Камалакдай товланар» шеъри, Ғафур Жамоловнинг «Маёқ» мақоласи, шоир Тўлқин Илҳомов ва бастакор Абдусаид Набиевларнинг «Ишончли қўлларда» шеъри ва бошқа материалларда байроққа бўлган меҳр ва садоқат, ғурур ва ифтихор, тарихий воқеалар ҳамда қадриятлар хусусида содда ҳамда қизиқарли тушунчалар берилади.

«Ўзбекистон Давлат байроғи БМТ биносида, Ўзбекситон элчихоналарида, ҳукумат уйида, вилоят ва туман ҳокимиятлари биносида ҳилпираб туради.

Байрам кунларида эса байроғимиз ҳамма маъмурий бинолар пештоқидан жой олади. Республикамизда ўтадиган йирик спорт мусобақаларида Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Шунингдек, жаҳон чемпиони бўлган юртдошларимиз шарафига ҳам Ватанимиз байроғи кўтарилади», — деб ёзади журнал.

Умуман, «Ғунча» журналининг мазкур махсус сони Ўзбекистон байроғи ҳақида кичкинтойларга тушунча беришда муҳим қўлланма бўла олади. Ундан нафақат мактабгача тарбия муассасалари машғулотларида, балки мактабларнинг бошланғич синфларида Мустақиллик дарсида ҳам кўргазма сифатида фойдаланиш мумкин деб ўйлаймиз. Журнал эса Ўзбекистон рамзлари борасидаги саховатли ишини— махсус сонлар чиқаришини давом эттиради деб умид қиламиз. Бу «Ғунча»нинг Мустақилликнинг беш йиллигига муносиб туҳфаларидан бўлади, албатта.

М. РАҲМОНОВ.

Ё сукут сақла, ёки сукутдан тузукроқ бирор нарса гапир.

* * *

Ўз иллатларини сўз билан ниқоблашга эмас, аксинча ошкора даволашга уринган маъқул.

* * *

Худди доно тарбиячидек бутун умр фақат ақлгагина ишонмоқ керак.

ПИФАГОР ҲИКМАТЛАРИ

* * *

Оқила рафиқам, агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин!

* * *

Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак.

* * *

Ғазаб қўзиганда гапириш ҳам, нимадир қилиш ҳам керак эмас.

Мусоқул УСМОНОВ тўплаган.

Бугуннинг гапи

КИТОБ ҲАМ ҚАДРИЯТ

Уғлимга яхшироқ бир китоб олгани ишдан сунг атайлаб дуконларни айланаман. Жавонларга терилган китобларга бир-бир кўз югуртираман. Кунглим тўлмайди. Яхши биламанки, бу китоблар билан уғлимни алдашим қийин. У доим бир гапни такрорлайди:

«Узингиз ўқиётган китобларга ўхшаган қизиқарлисидан олиб келинг. Бир ўқимасданоқ варақлари йиртилиб кетадигани керакмас». Мен уни тушунаман. У китобларни узига аталган жавонга териб қўйиб, ўртоқлари олдида кутубхонаси борлиги билан фахрлангиси келади. Афсуски, мен унга олиб берган китобларимнинг бир-иккитасини ҳисобга олмаганда, кўпи бир ойга ҳам чидамай варақлари титилиб кетган. Гўё, улар алдагани бола яхши дегандек, сифатсиз ишланган.

Ноширларимиз ўзлари тайёрлаган китобларнинг мактаб кутубхоналарида юзлаб болалар қўлма-қўл ўқишлари ҳақида ҳеч ўйлашмасмикин? Адибнинг, қолаверса китоб дунёга келиши, унинг ўқувчилар қўлига етиб бориши учун тер тўкаётган қанчадан-қанча одамларнинг меҳнатлари наҳотки қадрланмаса? Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, бир-икки қўлга олишдаёқ титилиб кетадиган китобни бола ўқигиси ҳам, дўкондан сотиб олгиси ҳам келмайди. Бор-ю, у китобни сотиб олганда ҳам кўп ўтмай унинг саҳифалари титилиб қаерларгадир сочилиб кетади. Биз бу варақларни йиғиб, ахлатга ташлаймиз. Писта, нос, қурут урашга ҳам шу китоб варақларидан фойдаланишаётганлигини кўрган бўлсангиз керак. Ана шуларни кўриб болаларда китобга муносабат қандай шаклланаётганлиги ҳақида ўйлаб қоласан киши. Шундан сўнг ҳам уларга китоб-азиз, китоб-нур, зиё деган оғзаки мақтовларимиз таъсир қилармикин?

Шу уринда мен таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовдан эшитган бир ибратли ривоятни айтиб ўтмоқчиман. Қадим замонда подшолардан бири Қуръони Каримдан нусха кўчиртириш мақсадида ўз ҳузурига ном чиқарган хаттотларни чақирибди. «Қани, ким менга неча кунда Қуръони Каримдан нусха кўчириб бера олади» деб сурабди. Хаттотлардан бири «мен ярим йилда бу ишни бажаришим мумкин» дебди. Подшо аъёнларига уни саройдан ҳайдашларини буюрибди. Хаттотлардан яна бири эса «Менга Қуръони Каримни кўчириш учун тўрт ой кифоя» деб мақтанибди. Шоҳ унинг гапларидан баттар дарғазаб бўлиб, уни ҳам саройдан ҳайдашни буюрибди. Шундай қилиб, у ҳузуридаги барча хаттотларнинг айтган муҳлатларини эшитиши билан уларга эшикни кўрсатиб, саройдан ҳайдайверибди. Охири саройда биргина хаттот қолибди. «Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинг, мен сиз ҳайдаб юборган барча хаттотлардан ҳам секин нусха кўчираман. Ахир Қуръони Каримдек муқаддас китобни шошиб кўчириб бўлмайди». Шоҳга ана шу хаттотнинг гапи маъқул тушибди ва унга шундай дебди: «Балли, отангга раҳмат, мен Қуръони Каримни бир ойда пала-партиш кўчирадиган, ишчан одамни эмас, балки ўз ишини заргардек қадрлайдиган, зийрак хаттот қидирган эдим. Сен менинг кунглимдаги хаттот экансан. Энди сен ундан шундай нусха кўчиргинки, токи бу муборак Қуръони Каримни тавоф қилганлар сенинг номингни ҳам улуғлаб эсласинлар».

Бу ривоятни ноширларимиз ўз иш фаолиятларида доимо эслаб турсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Агар ўтмишимизга назар солсак, китоб кўчириш, китоб яратиш санъати нақадар мукаммал эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шу боис, бундан неча-неча асрлар илгари, ҳали техника ривожланмаган даврларда яратилган китоблар то ҳанузгача сақланиб, бизнинг авлодларга ҳам хизмат қилиб келмоқда. Китобни қадрлашни, унга муносабатни биз ҳам боболаримиз йўлидан бориб ўз ўрнига қўйсак, яратилаётган дурдона асарларимизнинг умри боқий бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳ. ОЛИМОВА.

Хулласи...

ГУГУРТ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Курган вилоятида ҳар ўнта ёнғиндан биттаси ёш болалар айби билан содир бўляпти. Йил бошидан буён улар «кулини кўкка совурган» бинолар сони 80 тадан ошиб қолди. Зарар эса бир неча миллион рублни босиб қолди. Васькино қишлоғида 4 яшар болакайнинг гугуртни ўйинчоқ қилиши натижасида иккита турар жой биноси батамом ёниб битди. Мокроусовский жамоа хўжалигида иккита 8 яшар бола бутун бошли фермани йўқ қилиб юборишди. Кичкинагина гугурт донаси билан. Энди барча зарарларни тўлаш шўрлик ота-оналарнинг гарданига тушди.

КЎРШАПАЛАКДАН САҚЛАНИНГ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штатининг чорвачилик туманларида бор қорамолнинг 90 фоизи — 1 миллиондан ошиғи йўқ қилиниш арафасида турибди. Сабаб, бу ерда моллар ёппасига қутуриш касалига мубтало бўляптики, бу одамларга ҳам хавф туғдириши мумкин.

Бразилия қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хабар беришича, касаллик ташувчилар кўршапалаклар эмиш. Улар сигир, қўй, эчки қонини сўришни хуш кўрармиш.

Ҳозир фермерлар жуда тушкун кайфиятдалар. Қишлоқ хўжалик вазирлиги мутасаддиларининг ҳам боши қотиб турибди. Чунки улар бўлажак зарарнинг салмоғини яхши билишади-да.

МЕҲМОН ҚОЛДИРГАН ИЗ

Краснодар ўлкасига ўзга сайёраликлар анчадан буён қадам ранжида этишмаган эди. Яқинда ўлкадаги қизиқувчиларнинг куни туғиб қолди. Чунки, коинотлик меҳмонлар бу ерга ҳам ниҳоят кўниб ўтишган кўринади. Йўл бўйида жойлашган буғдойзорда ҳар бирининг диаметри 20 метрдан ошадиган айланма излар пайдо бўлиб қолди. Ҳозирча бу изларни ҳеч ким тушунтириб бера олганича йўқ. Агар, ўзга сайёраликлар ўзлари келиб тушунтириб беришмаса, шундай ҳам сирларга тўла дунёга янги бир сир қўшилади.

БИР ЯРИМ МЕТРЛИК МЎЙЛОВ

Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Малайзиялик Антонисами Синаппан ҳеч иккиланмай йигит кўрки — мўйлов деган бўларди. Ёшлигидан мўйловига оро бериб келган Антонисами ниятига етди: ҳозир унинг бир ярим метрлик мўйлови юзига кўрк бериб турибди.

ана шунақа гаплар.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Икром ИСКАНДАР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.